



Тарафду

УМИДЛАР ГУЛЛАЙДИГАН АЙЁМ

Тарихнинг муайян давларида юз берадиган воқеликлар ҳислат-ҳикматдан узоқ бўлмайдди. Инсоннинг топқирлигию тиришқоқлиги, бир сўз билан айтганда, ақллиги ана шундай тарихий тасодифлар кесишадиган вазиятларни тутиб қола олишида, уларга таъсир этиб, пировардида ўзи ҳам таъсирланиш-тозаришида кўринади. XX аср адоғида халқимиз эришган улкан тарихий ғалаба — истиқлолнинг 10 йиллигини нишонлаш бежиз янги аср ибтидоисига тўғри келмаётгани ана шундай мулоҳаза юритишга ундайди кишини. Бу каби ишора-башоратлар Ўзбекистон асри келганини қайта-қайта таъкидлаётгандек, руҳдаги мудроқлик, мавҳумиятни қувишга шайланган салқин шудринг томчисини эслатади...

Хўш, халқимиз интиқлик билан кутаётган истиқлол айёмининг 10 йиллигини қандай нишонлаш керак? Рухий-маънавий дунёимизнинг тозаришида, тафаккури-мизининг юксалишида бу йилги муқаддас байрамимиз нечоғли ўрин тутаети?

Истиқлолнинг 10 йиллиги тантанали ҳар йил ҳам ўтказилвермайди, бу галгиси аввалгиларидан буткул фарқ қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазири Маҳкамасининг матбуотда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга тайёрларлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори юқоридagi саволларга жавоб беради. Қарорда "Мустақиллик халқимизнинг XX аср сўнгида қўлга киритган улкан тарихий ғалабаси экани, ун йиллик мустақил тараққиёт ҳаёти-мизда алоҳида босқич, янги бир давр бўлиб қолишини назарда тутиб, қўтлуг аънамага айлиниб қолган энг улуг, энг азиз байрамимиз — истиқлол айёмининг кенг нишонлаш" зарурати алоҳида таъкидланган. Унда шунингдек, давлат мустақиллигини кенг нишонлаш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш ва шу асосда тегишли маънавий-маданий, маърифий тадбирлар режаси тузиш билан бир қаторда ўзбек миллий давлатчилиги тарихини, унинг тараққиёт босқичлари ҳамда илмий-назарий масалаларни ўрганиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш бўйича махсус ишчи гуруҳи таркиби тасдиқлангани тўғрисида ҳам сўз боради. Мустақиллик йилларида унинг неғизда тикланган замонавий ўзбек давлатчилигининг ўзига хос тараққиёт тамойиллари, амалга оширилган кенг кўламли тадбирлар ва жамиятимизнинг пировард мақсадларини илмий-назарий жиҳатдан асослаб бериш ишчи гуруҳининг асосий вазифалари сифатида кайд этилган. Янги ишчи гуруҳининг миллий давлатчилигимиз ва бугунги ўзбек давлатчилигининг ривожланиш босқичларини таҳлил қилиб, пухта илмий хулосалар чиқариши ёш авлодга катта маънавий озуқа бўлиши шубҳасиз. Зеро, миллий давлатчилигимизни тўла англаш — ўзлимизни англашга, кўзимизнинг катароқ очилишига сабаб бўладиган, миллий гуруҳ, ор-номусимизни эркалатадиган омиллар сирасига кирди.

Қарорда оммавий ахборот воситаларида Мустақилликнинг 10 йиллиги байрамага тайёрларлик кўриш бўйича амалга ошириладиган ишларни кенг ёритиб бориш ҳам тавсия этилади.

Истиқлолнинг 10 йиллик тўйи ҳар галгисидан бошқача бўлади. Бу муборак айём ҳар бир юрtdошимиз қалбини ифтихорга тўлдирди. Узоқ йиллар эслаб юриладиган байрам бўлади бу галги байрам. Сабаби, миллат умидлари гуллайдиган муқаддас ИСТИҚЛОЛ айёми — ягона.

Норали ОЧИЛОВ

Хаяжон

ОНАЛАР ДУОСИ ЭЛНИ АСРАЙДИ



Шавкат АҚРОМОВ фотоси

Йигирма биринчи асрнинг аввали "Оналар ва болалар йили" деб эълон қилинган. 1993 йилнинг 7 майда таъсис этилган мустақил Ўзбекистоннинг биринчи нишон — "Соғлом авлод учун" ордени воқеага айланганда бу эзуға гоҳ қимилари қойил қолдирмаган дейсиз? Қаранг, орденда она ва боланинг тасвири акс этиб турибди. Шундай юксак муқофоти қўсига таққан юрtdошларимизнинг қалбидан қандай туйғу туғён уришини бир тасаввур қилайлик-а...

Ҳаётини фарзанди бахти учун фидо қилишга тайёр онаизорнинг мушқулчини енглишатиш учун яна қандай ислохотлар талаб қилинади? Бу савол Президентни муттасил ўйлантираш, шу муаммолар ечимини эса навбатдаги фармонларнинг татбиқ этилишида қуриш мумкин эди. Шу тариха мамлакатда бозор муносабатлари шаклланиётган шариоғида 1994 йил 1 октябрдан бошлаб болали оналарга давлат йўли билан маддд беришни кучайтириш ва ёш авлодни тарбиялаш муаммоларини ҳал этишда ижтимоий кафолатларни таъминлаш мақсадида аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг мулқо янги тизими яратилди. Шу тизим тўғрисида истеъмоличиларга аниқ йўналтирилган моддий ёрдам ва нафақалар оилалар орқали етказиб берилмоқда.

Президентнинг ўша йилги 871-рақамли Фармонида мувофиқ бола икки ёшга етгунча уни парвартириш учун энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдоридан оналарга оиллик нафақа тайинланди. Бунда пул билан тазминлашнинг асосий манбалари этиб ишловчи оналар учун — корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблаглари, ишламайдиган оналар учун — республика ва маҳаллий бюджетларнинг маблаглари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 13 январда имзоланган "Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий маддд билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида"ги Фармонида кўра ишламайдиган оналарга боласи икки ёшга етгунча қадар уни парвартириш бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали амалга оширилмоқда.

Булал оналарга кўрсатиладиган гамҳуриликнинг маълум қисми, ҳоло, Аслида фарзандларимизни

соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш мақсадида давлат сиёсати даражасида қўтарилган. Муҳтарам Юрtdошимиз айтганидек, "Соғлом авлод орасида қадим-қадимдан халқимиз, миллатимиз қалбидан яшаб келади. Лекин бу орзуни умуммиллий гоғая айлантириш, уни тўла рўёбга чиқариш имконияти фақат Ватанимиз истиқлолга эришганидан сўнггина юзага келди".

Ҳа, онага кўрсатилган иззат бутун жамият ҳақида қайғуриш демакдир. Шу маънода соғлом авлод йилда белгиланган дастур бир-икки йил билан чегарланиб қолмайди. Халқ ҳўжалигимиздаги барча соҳалар бу дастурнинг бандларини устувор вазифа қилиб белгилашди.

Эътибор берялсизми, кейинги йилларда оналар ва болаларни эъзозлаш юрtdошларимизнинг маънавий бурчи даражасига қўтариляпти. Демак, қўлдан буён орзу қилганимиз — қомил инсон маънавиятига эришмоқда-ми. Эндигида халқимиз руҳий дунёсида она сиймоси буюк ишлар тўлиқлига айланяпти. Айтайлик, Тошкентимиз юрагида Президентимиз ташаббуси билан яратилган Хотира майдонидан она хайкалининг ўзи ҳам бу улуг зотга миннатдорлик тисмоли эмасми? Президентимиз вилоятларда бўлганларида аввало оналарга, аёлларга қандай шарт-шароит пратилганини сўраб сурштирадилар. Ҳойлардаги раҳбарлар фаолиятига баҳо берганларида шу соҳадagi ишларни асосий мезон қилиб белгиладилар. Ўзбек оналари тисмолида халқ тақдирини қўлдоладилар. Ўзбекистоннинг истиқлоли ва буюк маънавияти ҳақида маълумот беради.

"Муҳаддислар султони" руҳида бериб бориладиган Аш-Шайх Абдуссалом ал-Муборакфурийнинг "Сийрат ал-Имом ал-Бухорий" асаридан У.Уватов таржимаси билан "Имом ал-Бухорий зуррият қолдирганими?" "Имом ал-Бухорий шеърля-

Хабар

ОБУНАГА ЁРДАМ

Фарғонада Сунъий чарм заводи жамоаси эришадиган меҳнат ютуқларини кўпчилик билди. Маъмуржон Мамажонов раҳбарлик қилаётган маъмуржон жамоада маънавий-маърифий ишлар ҳам замон талаблари даражасида ташкил этилганидан эса кўпчилик хабардор бўлмаса керак. Чунки бу борадagi тадбирлар баъзан кўзга ташланади, баъзан эса йўқ.

Яқинда завод раҳбарияти ташаббус кўрсатиб, вилоят телерадиокомпанияси, вилоят ва барча туман газеталари таҳририятлари учун "Хуррият" газетасининг обуна қилинишига ёрдам берди. Эзгуликнинг хили кўп, ҳиммат қилман деган инсон кишилар қорига яраш, оғирини енгиб қилиш йўлини, имконини топаверар экан!

Тасаввур қилясизми, йил мобайнида юқорида тилга олинган жамоаларда хизмат қиладиган ҳамкасбларимиз Маъмуржон Мамажонов етакчилигидаги завод ишчи-хизматчилари кўрсатган беғараз ҳиммат учун самимий ташаккур билдиришадди.

МУҲБИРИМИЗ

ГАЗЕТАЛАР ШАРҲИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Хисоб-китобларга қараганда, Марғилон телевидениесини 10 миллионга яқин аҳоли томоша қилади. Яъни, Марғилон ТВнинг таъсири катта! Шаҳардаги "Ҳақиқат" фирмасининг тиниб-тинчимас раҳбари Мўтабаржон Тожибоевнинг саъй-ҳаракати билан маъмуржон телевидение ижодкорлари "Марказий газеталар шарҳи" курсатувини йўлга қўйдилар. Утган якшанба кундан намойиш этила бошланган ушбу курсатувда даставвал "Хуррият" ва "Туркистон" газеталари атрафлича таҳлил этилди, уларга шарҳ берилди. Бундай ташаббусдан биз "Хуррият"чилар кўп мамнун бўлдик, Марғилон ТВнинг бош муҳаррири Бахтиёржон Тўшпулатовнинг бу қўллаб-қувватлаши умумимизни учун катта маддд эканига ишондик.

ЖАМОАТЧИ МУҲБИРИМИЗ
(телефон орқали)

ЗАР ҚАДРИНИ ЗАРТАР БИЛАР

1999 йили юртимизда заргарлик кўргазмаси ўтказилиб, унда илк бор қимматбаҳо металллардан ишланган буюмлар алоҳида экспозиция сифатида тақдим этилди. Бундай кўргазмаларнинг ўзига хослиги шундаки, улар моддалар фестиваллари билан уйғунлашиб кетади. Ҳамма даврларда ҳам кенчи қийиларни олтин буюмлар билан безаш урф бўлиб келган. Умуман, заргарлик ва моделлар шоу-бизнесининг қўшиб олиб борилиши келажакдаги энг истиқболли йўналишлардандир. Тошкентдаги кўргазмаларда ўтказилган "Заргарлик шоу"ларга ҳам ҳаҳон тақрибаси асос қилиб олинган. Шу маънода пойтахтликлар "Оазис—999" фестивали ва "Осиё—XXI" акциясини қизиқиш билан қарши олдилар. Тобора халқро нудфуз касб этиб бораётган "Заргарлик — 2000" кўргазмаси ва "Биллур либос" моддалар фестивали ҳам катта муваффақият билан ўтди. Кўргазмада украиналик заргарлар иштирок этдилар, экспозицияда Москвадан "Ювелирное обозрение" журнали тақдим этилди, моддалар фестивалига эса Польшадан меҳмонлар келди. Ўзбекистон модасини Абдукарим Ашурбоев, Надежда Петросова, Лоп Сайфи, Лариса Тен, Умида Икромова каби дизайнерлар намойиш этдилар. Уларнинг ишлари бир овоздан энг зўр либослар сифатида эътироф этилди.

Шу йил апрель ойида эса тўртинчи мартаба "Осиё заргарлиги" кўргазмаси ва "Осиё — XXI" моддалар фестивалини ўтказиш режалаштирилмоқда.

Заргарлик буюмларининг намойиш этилиши республикамизда кўргазмалар ўтказиш жараёнининг тараққиётига ҳам таъсир кўрсатиши тўғрисида гап. Тошкентдаги кўргазмалардан ташқари, Ўзбекистон заргарлик буюмлари корхоналари маҳсулотларини халқро кўргазмаларда ҳам намойиш этиш эҳтиёжи туғилмоқда. Америка, Европа, Осиё заргарлик шуолари ташкилотчилари билан алоқалар республикамизда айнан шу дастурнинг тараққиётига йўл очади.

Кўргазмалар ва фестивалларнинг ташкилотчилари — Ўзбекистон Бадий академияси ва Дизайнерлар халқро уюшмасига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошидаги қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар давлат Проба қўмитаси ҳамийлик қилмоқда. Уйлаймизки, уларнинг ташаббусларини республика жамоатчилиги, шунингдек, давлат тизимидаги идоралар ҳам қўллаб-қувватлайдилар. Зеро, чет эл инвестицияларини жалб этиш ва Ўзбекистоннинг ҳаҳон заргарлик бозорига кириб бориши бугунги кунда долзарб ва узоқ муддатли вазифалардан биридир.

Гузара БОБОЖОНОВА,
"Осиё заргарлиги" кўргазмасининг матбуот котиби



"ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ" КЎРИК-ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси биричун энг азиз бўлиши она-Ватан руҳияти, қалби ва онгида кузатиладиган ҳурлик ўзгаришларини янада кенроқ ва ёрқинроқ ёритиш, тасвирлаш мақсадида аънаваний "Энг улуг, энг азиз" Республика кўрик танловиға барча ижодкорларни тақлиф этади.

Кўрик-танловга тақдим этиладиган ижодий ишларда куйидаги мавзу, йўналишлар ёритилган бўлиши лозим:

- мустақиллик, озодлик ва Ватан каби муқаддас тушунчаларнинг талқини;
- мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳалардаги ислохотлар жараёни ва бу борадagi эришилган ютуқлар;
- миллий истиқлол гоғояси ва мафқурасининг шаклланиши;
- Она-Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат;
- миллий гуруҳ, азаллий ва умумбашарий қадриятлар;
- кишилар онгида, руҳиятида, қалбидан ва қиёфасида кузатиладиган ҳурлик ўзгаришлари;
- фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган, яратувчилик йўлида изланаётган замондошларимиз;
- мамлакатимиз мустақиллигининг дадил оидимлари;
- буюк истиқлол тўғрисида қўлга киритилган моддий ва маънавий ноъматлар кўлами.

Кўрик-танлов голиблари Ватанимиз Мустақиллигининг 10 йиллиги байрами арафасида матбуотда эълон қилинади.

Танлов голибларини қимматбаҳо совринлар кутади.

Ижодий ишлар икки нусхада шу йилнинг 1 августига қадар куйидаги манзилга юборилиши лозим:

700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.


Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси "Энг улуг, энг азиз" кўрик-танлови ҳайати.

Нашр

"ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ САБОҚЛАРИ"

Имом ал-Бухорий халқро жамғармаси муассислигидаги "Имом ал-Бухорий сабоқлари" маънавий-маърифий, илмий-адабий журналининг навбатдаги сони нашрдан чиқди. Журналдан ўрин олган "Абдий барҳаёт Китоб" руҳида филология фахлари доктори, манбаунос Шўҳрат Сирождидиновнинг "Тарихий лавҳа муносиб каломуллоҳ" сарлавҳали мақоласи Оллоҳ таолонинг каломи бўлиши илоҳий қатъи — Қуръони каримнинг тарихи, муқаддас Калом шарифининг буюк саркарда Амир Темури, Мирзо Улуғбек ва бошқа ота-боболаримиз томонидан қадрлангани, қандай сақлангани ҳақида маълумот беради.

"Муҳаддислар султони" руҳида бериб бориладиган Аш-Шайх Абдуссалом ал-Муборакфурийнинг "Сийрат ал-Имом ал-Бухорий" асаридан У.Уватов таржимаси билан "Имом ал-Бухорий зуррият қолдирганими?" "Имом ал-Бухорий шеърля-



"Муҳоҳаса". "Замонамизнинг буюк уламолари", "Оталар сўзи — ақлнинг қўзи", "Туркистон — жаҳон цивилизацияси бешиги", "Ешлар саҳифаси", "Манабушнослик ва матншунослик муаммолари", "Китоблар оламида" каби турфа руҳларда берилган мақолалар муқаддас динимизнинг инсон маънавий камолотида тутган ўрни ва аҳамияти, диний қадриятларимизни камол топтиришга улкан ҳисса қўшган алломалар, диний арбоблар ҳақида батафсил ҳикоя қилиди. Журналнинг бежирим беэак услуби ва суратларнинг ранг-баранглиги ҳам киши диққатини ўзига жалб қилади.

Уйлаймизки, "Имом ал-Бухорий сабоқлари" журнали муқаддас руҳий ва маънавий озуқа берувчи манбалардан бирига айланади.

Нилуфар ПИРМАТОВА

Эътироф

МИЛЛИЙ ҚОМУСИМИЗ НАШРДАН ЧИҚДИ


Президентимиз Ислам Каримов мамлакатимиз маданий ҳаётидаги катта воқеа "Ўзбекистон миллий энциклопедияси"нинг маънавий ҳаётимизда аҳборот манбаи сифатидаги маърифат ўрни бекиб-эсининг эътирофи эди: "Энциклопедиямизнинг асосий вазифаси — аввало, Ўзбекистоннинг буюқ тарихи, бетақдор маданиятини, улуг мутафаккир ва ақлоқдорларимизнинг умумбашариёт тарихига қўшган бекиб-эсинини, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон деб аталган гўзал юртининг ўзига хос ва ўзига мис қиёфасини, Ватанимизнинг табиий-иктисодий ва маънавий салоҳиятини, энг катта ва ноёб бойлигимиз бўлиши мана шу муқаддас заминда яшаб ўтган ва яшаётган одамларнинг ибратли фаолиятини бутун дунёга намойиш этишдир", деб таъкидладилар.

Миллий энциклопедия бир жилдидан дин тарихига доир 100 дан ортиқ мақола ўрин олди. Уларни мазкур соҳанинг етакчи олим ва мутахассислари тайёрлашган. "Ал-асмо ал-Хусно", "Аллоҳ" каби мақолаларга қарийб бир саҳифадан ўрин берилди. "Ал-масжид ал-ақсо", "Ал-масжид ал-Харам" мақолалари ёнида рангли расмлари бор. Мақолаларнинг муҳим характери хусусияти — атеистик қарашдан тўлиқ халос бўлинганлигидир. Шу билан бирга, уларнинг мазмуни умуминсоний таърифли, илмий ва дунёвий ёндашув, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда жамиятимизнинг маънавий янгилашиш талабларига мос келди.

Мезон тўри белгиланган — энг зарур атамалар, тушунчалар танланган. Мақолалар юқори илмий савияда ёзилган. Энг муҳими, илмийлик ва оммабоплик уйғунлиги таъминланган. Китобни арақлар эканман, "Андижон вилояти" мақоласига кўзим тушиб кувониб кетдим. Синчиқлаб ўқиб чиқдим. Ушбу жилддан мамлакатимизнинг фақат шу вилояти ўрин олибди. Шу вилоят бу йил қишлоқ ҳўжалигида ҳам пахтадан, ҳам галладан мисли кўрилмаган ҳосил олди. Мана, энг сунгги рақамлар энциклопедияда муҳрлаб кўйилди. Яна бир факт — бу ерда мустақиллик йиллари Президентимиз Ислам Каримов ташаббуслари билан автомобиль саноатига асос солинганлиги алоҳида таъкидланди. Бунга монанд безаклар берилган.

УЛКАН МЕХНАТ САМАРАСИ

Миллий энциклопедияни кўлга олиб беҳитиб уни олдинги ўзбек энциклопедияси билан солиштирдим: ер билан осмонча фарқ бор! Шу дамда, 70-йилларда энциклопедиянинг 1 жилди чиққанда, академик Теша Зоҳидов айтган гап ёдимга келди: "Бу — катта воқеа. Уни ҳатто юртимизда университет очилганлиги билан тенглаштириш мумкин". Қизиқ, ушбу гапдан келиб чиқадиган бўлса, қиш даврадаги қомусдан анча устун бўлган миллий нашрни нимага тенглаштириш мумкин? Кўнглимдан анча ўхшатишлар келди, лекин муносибни топпамадим.



ЯНГИЛАНИШ ТАБАБЛАРИГА МОС

Энциклопедиядаги дин тарихига оид мақолаларни ўқир эканман, устоз-домламит Мутабиб Усмонов фаолияти хотирамга келди. У киши олдинги қомусда бизнинг мавзудаги асосий мақолаларни ёзганлар. Уларни ўқисангиз, қанчалик эҳтиёткорлик билан, кўрқув ила ёзилганлигини кўрасиз. Диний тушунарлар моҳияти ялт-ялт этгандек бўлади-ю, атеистик жумлалар билан "сувалди..."

Аҳаджон ҲАСАНОВ, тарих фанлари доктори, ЎзМЭ Дин ва динлар тарихи илмий маслаҳат кенгаши раиси

ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИГА МОС

Энциклопедиянинг адабиётшунослик соҳасига оид материаллари билан танишиб чиқдим. Мақолалар универсал энциклопедия талабларига, асосан жавоб беради, деб дадил айтиш мумкин. Умуман, қисқа мuddат ичида энциклопедия жамоаси томонидан салмоқли ва жиддий иш амалга оширилганини эътироф этмоқ ўрнили бўлади. Мақолалар, моҳият эътибори билан, мустақиллик даври руҳиятига, истиқлол ғоясига мосдир.

Олимлар ишони юзага чиқарган захматқаш нашриёт ҳодимлари меҳнатини мен юксак баҳолайман.

Жўра МУСАЕВ, академик, ЎзМЭ Бош таҳрир хайъати аъзоси

ИЛМИЙЛИК ВА ОММАБОПЛИК УЙҒУНЛИГИ

Миллий энциклопедиянинг биология, умуман, қишлоқ ҳўжалиги ҳақидаги мақолалари ҳақида куйидаги фикрларни айтишни истардим.

МАТБАА ИЖРОСИ ЯНА КЎРКАМЛАШИШНИ ИСТАРДИК

Ўзбекистон Бадий академияси кенгайтирилган йилгилида нафақат тасвирий санъат мақолалари, умуман, ижтимоий фан соҳалари мақолаларини кўриб муҳокама қилган, юздан ортиқ фикр-мулоҳаза ёзиб берган эдик. Булар асосан эътиборга олинмиди. Балли! Катта меҳнат сарф қилинмиди. Лекин ЎзМЭнинг матбаа ижросида баъзи бир қусурлар бор. Муқова ранги ва ёзувларида расмоннинг госярлиги тўла амалга ошмаганга ўхшайди. Баъзи безаклар нурисиз чиққан.

Кейинги жилдларда бунга йўл кўйилмаслигига ишонаман.

Турсунали ҚЎЗИЕВ, Ўзбекистон Бадий академияси раиси, академик, ЎзМЭ Бош таҳрир хайъати аъзоси

Таассуф

АМАЛ БЎЛСА

Инсон қадрин ўлчамоққа тамал бўлса, Кўплар учун олий мезон — амал бўлса. Тингламаслар амалисининг сўзин асло, Айтган гапинг воқиб шу он — амал бўлса. Турфа байрам, таваллуд кун баҳонаси, Келиб турар совға-салом, амал бўлса. Яёв эрсанг сўрмайдилар, кутмайдилар, Кучоқ очиб чиқар мезон — амал бўлса. Зир юғриб, минг илтифот баҳо айлаб, Утказарлар тўрга, ишон, амал бўлса. Хонадонга асли дахлинг борми, йўқми, Берадилар кутлов — калом, амал бўлса. Шу боисми, баъзилар кўп амалга ўч, Елғиз гами: юрса омон, амал бўлса! Керак эрса топтар ўзи, ўзлгини, Минг бир тусга қирар осон, амал бўлса. Оқибату охиратни ўйласа ким, Узгармайди ҳеч бир замон, амал бўлса.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ

Хизмат

УЙИМИЗ 11 ЙИЛДА ИСИДИ

Хар қандай ташкилот, корхонада ишининг бориши биринчи ўринда, албатта, раҳбарга боғлиқ. Айниқса, аҳолининг кундалик ҳаётига дахлдор ташкилотнинг раҳбари ишбилармон бўлсин экан. Биз истиқомат қилаётган Улўғбек шахарчаси аҳолиси яқингача қишда иссиқликнинг бир мезбурда берилмаслиги, ёзда эса ахлат уюмларининг бадбўй хидидан безор эди. Уктам Мирзалиевнинг Улўғбек шахарчаси қуришти-таъмирлаш эксплуатация бошқармасига директор бўлиб келганига ҳали бир

йил ҳам бўлгани йўқ. Шу қисқа вақт ичида шахарча тўла чиқиндилардан тозаланди. Ахлатни машиналарда олиб кетиш йўлга қўйилди. Шаҳарча тарихида биринчи марта десак лоф бўлмайди, иссиқлик ўз вақтида берилди, мана уч ойдирки, бир мезбурда ишлаб турибди. Иситиш тармоғи Ивш ариги кўчаси 11-уйда ўн бир йилдан буён, Улўғ Фуломов кўчаси 32-уйда 8 йилдан бери ишламади. Анги раҳбар келди-ю, таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Биз, шахарча аҳолиси номидан Уктам Мирзалиевни, шунингдек, авария хизмати бошлиғи Баҳодир Худойберганов, пайвандчи Андрей Бесматер, чилангар Андрей Тутурин ва бошқарманинг бошқа барча ходимларига ўз миннатдорчилигимизни билдирмоқчимиз. Дуо билан эл кўқарар, сув билан ер, дейди доно халқимиз. Илоҳим, юқорида номи тилга олинган бошқарма ходимлари доимо эл назарига бўлиб, элнинг дуосини олиб юрсинлар.

Улўғбек шахарчасида яшовчилар номидан Дилора САМАТОВА, Санобар КАРИМОВА

Сабоқ

ШАРҚОНА ШЕВА

ОДАМИЙЛИК НАДИР?

Одабийлик туйғуси фақат инсонга хос бўлган махсус, алоҳида сифатдир. У инсон қалбида туғилди ва ҳисларни орқали унинг онига таъсир қилиб, уни ҳаракатга, фаолиятга ундайди.

● Одабий эрсанг демагил одами, Ониким йўқ халқ гамидин гами.

● "Одабийлик қани? Дунёга ўт кетибдур".

● "Ў-ўзини англаш — ўз нуқсонларини, айбу кусурини англаш демақдир".

Алишер НАВОЙЙ
Мирзо БЕДИЛ
Н.КОМИЛОВ

Одабийликка зид хатти-ҳаракатлар ҳайвонийлик, худбинлик, сурбетлик, юзсизлик, субтисизлик тушунчалари билан ифодаланади.

Бинобарин, одабийлик танишу нотанишга, қариндош бегонага, каттаю кичikka — бир сўз билан айтадиган бўлсақ — инсонга яхшилик қилишдан бошланади. Пох яшан, ҳалол ризқ топиш, кўрсатилган яхшиликларни миннат қилмаслик, бошига ташвиш тушган кишига, кўлдан келса, самимий дил билан ёрдам кўрсатиш — мана шулар одабийликнинг бош мезонлари бўлса керак.

Бирова яхшилик қилиш эса осон иш эмас. Бу иш ҳар қилинган ҳам қўлидан келар-келаридан кечади, гоҳида ўзини хавф-хатарга ҳам қолдиради. У бундай пайтда қилган яхшилиги эртага унга қайтадими, йўқми — буни ўйлаб ўтирмайди. Борди-ю, яхшиликларни "эвазига" баъзи бировлар ёмонлик қайтарсалар ҳам, у — одабийлик инсон — уларга қасд қилмайди, "худого солдим" дея ўз йўлидан кетаверади.

Дарҳақиқат, одабий бўлиш катта фидойилик талаб қилади, зеро, оғир иқтисодий-ижтимоий ҳолатларда, умуман олганда ҳам — ҳақиқат томонга, тўғри киши тарафига ўтиш ва уни ҳеч иккиланмай ҳимоя қилиш жуда қийин кечадиган жараёндир.

Дарҳақиқат, одабий бўлиш катта фидойилик талаб қилади, зеро, оғир иқтисодий-ижтимоий ҳолатларда, умуман олганда ҳам — ҳақиқат томонга, тўғри киши тарафига ўтиш ва уни ҳеч иккиланмай ҳимоя қилиш жуда қийин кечадиган жараёндир.

Уйлайман ўзимча: агар инсон миллиард йиллардан бундан жисмоний куч устуворлиги гоёси, яъни "ўрмон қонунини"дан воз кечмаган бўлса ёки ундан воз кечмаган бўлса...

ИП-МУШУК ФАЛСАФАСИ

Туш маҳали. Уй бекаси дастурхондан чиққан у-бу қолдиқларни ялоққа ташлаш учун ўғлига берди... Мушук келиб ялоқдаги нарсаларни зўр иштаҳа билан "тамадди" қилаётган эди, ҳовлининг бир четидан ит пайдо бўлди, у мушукка тишларини кўрсатиб ириллади. Мушук аввалига бир хурпайди-да, сўнг ялоқни эгасига қолдириб, жўнади.

Ота-була бу манзарани кузатиб турардилар.

— Бечора мушук, — деди болакай.

— Худди мана шу итдай бўлиш керак, — деди ота.

...Бу ҳайвонот оламидаги муносабат. Агарда ит шундай қилмаса, очдан ўлади. Айни фалсафа ҳайвонлар оламида

тўғри, зеро, улардан ҳеч ким одабийликини умид қилмайди. Аммо бу насихатнинг ҳавфли томони бор: отанинг "насихати" бола онига ўрнашиб қолши ва у, бир вақт келиб, мана шу "муносабатни" инсонлар жамиятида қўллаши мумкин... Кейинчи?


Уйлайман ўзимча: агар инсон миллиард йиллардан бундан жисмоний куч устуворлиги гоёси, яъни "ўрмон қонунини"дан воз кечмаган бўлса ёки ундан воз кечмаган бўлса ёки ундан воз кечмаган бўлса ёки ундан воз кечмаган бўлса...

Нима бўлганда ҳам ҳаётни яна ибтидоий тузумдан бошлашга тўғри келмаса, бас... Қолганлари ўз изига тушиб кетади.

Е мен ўзимни ишонтириш учун сунгги жумлани ўйлаб топдиммикин?

Бозор Илёс АЛ-АМИН

(Давоми келгуси сонда)



Оққушлар... Қорақушлар

Таҳлил

АСЛИГА ҚАЙТАЁТГАН

МИРЗАДА ЧЎЛ

Вазирлар Маҳкамасининг Республика Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги фаолиятини тақомиллаштириш тўғрисида Қарори эълон қилинди. Қарорини ўқиб ўтириб, унда нафақат вазирлик фаолиятини, балки вазирлик орқали мамлакатдаги қишлоқ ҳўжалик тармоғидаги муаммоларни бартараф қилиш кўзда тутилганига, умуман эрта, сувга ва деҳқончиликка муносабатини ўзгартириш кўзда тутилганига амин бўлдим. Ердан, сувдан ва сув иншоотларидан умумий фойдаланишга даъват этилган бандлар кўпдан буён мени ўйлантириб келаятган. Мирзачўл ҳақидаги мулоҳазаларимни қозғога туширишга ундади.

Мирзачўлни ўзлаштириш қизгин давом этаётган йиллар эди. Уша йиллари шахарда ишлаётган одамларнинг меҳнат таътилига чиқиб, чўлга бориб машинада пахта териш русум бўлган эди. Мен Ташкент Давлат университетида кечки бўлимда ўқир эдим. Айни пайтда "Ўзбекистон маданияти" (қозирги "Ўзбекистон адабиёти ва санъати") газетасида корректор бўлиб ишлардим. Табиийки, мен учун чўлга — пул топиш эди. Бунинг устига, менинг биринчи касбим — механизаторлик бўлган. Чўлда одам боласининг кўллари билан амалга оширилган ишларни кўриб, ҳайратининг ошарди. Янги-янги посёлкалар, минглаб километр узунликдаги бетон ариқлар, ҳўжалиқлар коллекторлар ва бошқа иншоотлар қурилди.

Мирзачўл ўзбек қомусида шундай таърифланди: "Мирзачўл — Урта Осиёдаги текислик. Ўзбекистоннинг Сирдарё вилояти. Жиззах вилоятининг бир қисми, Қозғистоннинг Жанубий Қозғистон вилояти, Тожикистоннинг Зафаробод районини ўз ичига олиб, майдонини 10 минг квадрат километрини ташкил этади".

Мирзачўлдан Сирдарёнинг кўна қайрилари (ўзланлари) кесиб ўтган. Масалан, 3-кўна қайрида сизот сувлари пасайиб, туپроқ ва устак қумлоқ ётқиқларда тузли қатламлар вулдуғга келган. Шу боис ерлар суғорилганда ана шу қатламдаги тузлар ер бетига чиқиб қолади. Мирзачўлнинг туپроғи жуда шўр ва эски сувлари юзада. Уримбой ўғуз ва Сизот туяртқар каналларидан топилаган қолдиқлар бу ерларда қадимдан деҳқончилик билан шўгулланганидан далалат беради. Жумладан, 70 километр узунликдаги Уримбой ўғзи, Исқандарик, Бухороариқ Мирзачўлдаги жуда қадимий каналлар сирасига қиради. Тарихий манбаларнинг хабар беришича, Улўғбек ва Шохрўд Мирзо Мирзачўлга канал чиқартирган. Тарихга назар ташланса, чўлни ўзлаштириш учун энг ширарган одамлар кўп бўлган. Албатта, Мирзачўлни ўзлаштиришдан мақсад шўр чек-чегарасиз майдонда пахта ечиштириб, ундан фойда қилиш эди. Ана шу йўлда қўллаб-давлат ҳўжалиқлари ташкил этилди. 1972 йилга келиб, Мирзачўлда 430 минг гектар ер ўзлаштирилиб бўлинди. "Голодностенстрой", "Средвазгипроводхлопок" каби ташки-

лотлар, институтлардаги минглаб ходимлар "чўлни сиқиб сувини ичишга" хизмат қилди. Минглаб ҳўтор системасидаги кўрғончалар ўрнида гўё замонавий посёлкалар барпо этилди. 80-йилларга келиб Мирзачўлда 5 миллион квадрат метр ҳажмдаги уй-қўриқлар, 7 минг ўринли мактаб, 240 минг ўринли болалар боғчалари, 2400 ўринли касалхона, кўпжа клуб, дала шийонлари барпо этилди. Минглаб километр ҳажмдаги каналлар, тик ва ёпиқ дре-

ёнида 7000 километр узунликда суғориш новлари (лотоклар) қурилган. 700 километр узунликда ҳўжалиқларро қаналлар бетонлаштирилган. 900 километр узунликда ёпиқ сув тармоғи мавжуд эди. Жами 25340 километр ҳажмда коллектор-дренаж тармоқлари қурилган. 1156 та тик қулақ қазилган. Бунга ўхшаш қурилган — қилинган ишлар ҳақида маълумотларни ана қўллаб келтириш мумкин. Ана шу қилинган ишларни сақлаб қолиш учун бугун бир

Бунингсиз ҳам юзада бўлган шўр ер бетига чиқиб оппоқ корга айланаяпти. Киш ойларида Сирдарёда секундига 1000-1700 куб метр сув оқади. Ана шундай пайтларда Сирдарё тўлиб оқибди, қандайдир дарёга тушадиган зовур сувлари орқаб қайтади. Демак, шўр сувнинг оқиб кетиши учун яна янги зовурлар, коллекторлар қазиб керак бўлади. Вилот ҳўжалиқлари ҳисобига 5044 километр узунликда зовурлар мавжуд. Шундан 1700 километри 2000 йилгача то-

лари ишлатилаяпти, — дейди профессор Қирғизбой Мирзахонов. — Аммо ҳақон ерни ишлаш, сизот (балки сизабдор) сувларни қочириб қаби масалалар муаммо бўлиб турибди.

Мен сизга айтсам, ерни тўнтарма қилиб, 20-30 сантиметр қўриқларда ҳайдаш керакми ёки ернинг шўнчаки устки қисмининг тирнаб уруғ экса ҳам бўлади-ми, деган масала икки асрнинг у ёқ-бу ёғида ҳал этилгани йўқ. Кишлоқ ҳўжалик олимлари учинчи минг йилликка

сув ичадиган қозғистонлик пахтакорлар белгиланган сувнинг 70 фоизгача олишади, ҳолос. Улар сувни тежаб-тежаб ишлаштиради. Чўнки ерлар халққа жуда узоқ мuddатли ижарага берилган. Уларда ҳеч қандай шартномавий режа ҳам йўқ. Қолаверса, сув пуллик. Бизда эса текин ҳисоби.

Хуллас, Мирзачўлни шўрдан қутқаришнинг яна бир йўли — аҳоли яшайдиган кўрғончалар (хўторларни) кўпайтиришдир. Бунинг учун ишчи кури чортиққа бўлган вилоятлардан маълум шартлар асосида одамларни олиб келиш лозим. Масалан, чўлга келиб ишламоқчи бўлган оилага маълум миқдорда узоқ мuddат (99 йил) билан ижарага ер, шунингдек, 10 ёки 20 йил мuddат билан ссуда берилишини шарт қилиб қўйиш мумкин. Ижарачилар ер учун солиқ тўлашлари мажбур. Охир-оқибат ана шу ер мулк бўлиб қолади. Айни пайтда суғориш тармоқларини қайта қуришни давлат ўз зиммасига олиши лозим. Яна бир ҳал этилиши лозим бўлган масала бу маҳсулотнинг харид нархи. Майли, ижарачиларга фақат пахта экансан ёки дон экансан, деган шартни қўйилди. Аммо улар етиштирган маҳсулотнинг бозор нархларидан сотиб олиниши адолатлироқ бўлур эди.

Албатта, бизнинг бу тақлифимиз анги эмас. Собик шўрлар пайтида ҳам Мирзачўлга одамлар кўчирма қилинган. Лекин шўр давлатининг асосий мақсиди нима бўлмасин, чўл пахтадан бойлик орттириш бўлиб, одамларнинг турмуш фаровонлиги билан қизиқилган. Мустақил давлатимиз учун эса чўлда деҳқончилик қилишдан мақсад халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш. Одамларни иш билан, ер билан, мулк билан таъминлаш.

— Ахир ҳаётда ҳаммининг ҳам магазини очиб фирма қуришга, ер олиб ферма қилишга қурби етавермайди, — дейди профессор Мирзахонов. — Уларга имкон бериш керак. Балки ана шу чўлдан узоқ мuddат билан ижарага берилажак ерлар уларга мулк бўлиб қолар. Балки шундай қилинганда Мирзачўл аслига, яъни ибтидоий қўринишга эмас, балки зағу ниятли одамлар оруз қилган қиёфасига қайтади...

Республикамиз Олий Мажлиси томонидан ўрмон, экология, мелiorация, сувдан фойдаланишга қаратилган бир қатор қонунлар қабул қилинган. Мазкур қонунларнинг ҳаёда кенг жорий этилиши барча-барчамизнинг ризқ-рўзимизни қўпайтиради, табиат бойлиқларига анада оқилона ва адолатли муносабатларни шакллантиради. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг ўтган ҳафта эълон қилинган Қарорининг аҳамияти ҳам ниҳоятда улкан. Айтмоқчиманки, мавжуд қонуний асослар етарли, биз журналистлар эса уларни оммалаштиришда суғусташликка йўл қўймаймиз даркор.


Ёкубжон ХўЖАМБЕРДИЕВ, журналист

GLOBUS

international life

Kitob

БОБУРШУНОСЛИКДА ЯНА БИР ҚАДАМ



Буюк аждодимиз Захриддин Мухаммад Бобур ўзларидан қолдирган иходий ва маънавий мерос шу қадар бой ва сермазмунки, уни қанчалик ўрганган сайин янги-янги қирралари очилиб бораверади. Утган асрнинг сўнги кўнларига китобхонларга армуғон этилган "Бобурнома — буюк асар" рисоласи, ҳеч шубҳасиз, бобуршуносликда олға қўйилган янги қадам бўлди. Муаллиф ҳиндшунос сифатида ўз олдига аниқ мақсадни қўяди: "Бобурнома" қандай ёзилган ва жажон татқиқотчилари унга қандай ёндашганлар? Китобнинг "Муқаддимаси" қисмидан мутлақа қилишни бошлаб эканмиз, кўз

ўнгимизда бобокалонимиз Бобуршунинг нисбатан қисқа, аммо мазмунан бой ҳаёти ўзининг бутун бесаранжомликларини ва нури мақсад сари интилишдаги ҳаракатлари билан равшан намоян бўлади. Бу ҳаракатлар ялови гўё Бобур вафотидан сўнг унинг татқиқотчилари қўлига ўтган-да, мана, ярим минг йилдан буюн бетиҳтов қўлма-қўл бўлиб келаётгандай. Ялов тутуш навбатини олган Ансориддин Иброҳимов Бобурнинг шох асари "Бобурнома" ёзилиши тарихи ва жажон афкор оммаси томонидан илмий ўрганилишига оид энг ишонарли маълумотларни кўн билан тўлқайди. Зарур ўринларда олимлар дилига шубҳа солиб келган айрим жузъий ҳатоларга ойдинлик киритади.

Гарчи "Бобурнома" асари муаллифининг она тилиси — туркӣда (ўзбекчада) иншо этилган ва ҳар бир каломига таънуларни эканлигига қарамай, айнан шу тил эгаси бўлимиш ўзбек халқи ўзоқ вақтгача бу дурдона асар лаззатидан бебахра бўлиб келган эди. Рисолада келтирилган далилларга кўра эса "Европада "Бобурнома" дастлаб голланд тилида чоп этилди ва шу тарихи 1705 йилда илм ахли Витсен таржимада бу асар билан танишишга муюссар бўлди". Шундан сўнг муаллиф Фарб ва Шарк мамлакатлари олимлари томонидан турли аср ва йилларда амалга оширилган татқиқий ва таржима ишларни қисқа, аммо ишонарли сатрларда баён қилиб беради.

Тўғри, оммабоп нашрлар, гарчи кеч бўлса-да, амалга оширилди, аммо жажон маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган Бобур Мирзодек қомусий иходкорнинг Лоқал ўз она тилида унинг шох асари "Бобурнома"нинг илмий матни яратилмагани, албатта, кечириб бўлмайдиган ҳол. Рисола муаллифи профессор Н.Комиловнинг "Таржима ва нашрдаги нуқсонларнинг аксарияти жажон асрнинг илмий-танқидий матни яратилмаганидан келиб чиқкан" деган фикрини келтириш билан бу бораддаги олимларимиз олдига турган вазифаларга ҳам ишора қилади. Бобур ўзи асос солган салтанат афкор оммасининг айнан шу соҳаддаги илмий ва назарий ишларини бир-бир санаб ўтар экан, А.Иброҳимов нафақат бобуршунослар, балки умуман ҳиндшуносларнинг ҳам огирини енгил қилишда ўзининг бебахо ҳиссасини қўшган деса бўлади. Мазкур рисола, бошқа жихатдан, ҳеч бир ҳадиксиз айтиш мумкинки, мўъжазгина Бобур библиографияси ҳамдир. Ундаги бой маълумотлар, таъкидлар, далиллар шу пайтгача жажон миқёсда бобуршуносликда қилинган дегарли барча йирик илмий татқиқотлар сирасини камраб олган.

Амир ФАЙЗУЛЛА

Филиппин

КОРАСОН АКИНО

Ёхуд уй бекалпигидан тўғри президентликка сайланган аёл



дент аёл Корасон Акинонинг давлат бошқаруви-га кетиши мутлақо кутилмаган ҳол эди ва бунга қадар у сиёсат билан айтариш шугулланмаган. У 1933 йилнинг 25 январда, асли хитойлик йирик бой ва кўзга кўринган сиёсий арбоблардан бирининг оиласида туртинчи фарзанд бўлиб дунёга келган. Табиати очқикўнгли ва юмшоқта-Шарқда сарик рангга нисбатан — омад белгиси, деган ибора юради. Бу ҳақиқатга қанчалик яқин ёки йўқ — туйқусдан бир нарса дейиш қийин. Ҳар холда мана шу табассуми самимий, малохатли аёл — Корасон Акино бир вақтлар айнан сарик рангининг салкам давлат рамзига айланганга сабаб бўлганди.

Корасон Акино — Филиппиннинг 1986—1992 йиллардаги президенти. Бу давр ҳам мамлакатда айни нотинчлик ва инқироз авж палласига қа тутарилган пайт эди. Фердинанд Маркос бошчилигида 20 йиллик диктатура 1980 йилларга келиб, Филиппинда ўнглаб бўлмас, инқирозли вазиятни юзга келтирилган. Ундан сўнг мамлакат тепасига келган Корасонни қўнчилиқ бунгача ҳаёти давомида сиёсатга қизиқмаганлигини таъкидлашда, одатда, "уй бекаси" лавозимидан тўғри президентилик ўрнига кўтарилган аёл деган сифатни қўшиб гапиришадди. Аслини олганда ҳам, Филиппин давлати тарихидаги бирини прези-

дент аёл Корасон Акинонинг давлат бошқаруви-га кетиши мутлақо кутилмаган ҳол эди ва бунга қадар у сиёсат билан айтариш шугулланмаган. У 1933 йилнинг 25 январда, асли хитойлик йирик бой ва кўзга кўринган сиёсий арбоблардан бирининг оиласида туртинчи фарзанд бўлиб дунёга келган. Табиати очқикўнгли ва юмшоқта-Шарқда сарик рангга нисбатан — омад белгиси, деган ибора юради. Бу ҳақиқатга қанчалик яқин ёки йўқ — туйқусдан бир нарса дейиш қийин. Ҳар холда мана шу табассуми самимий, малохатли аёл — Корасон Акино бир вақтлар айнан сарик рангининг салкам давлат рамзига айланганга сабаб бўлганди.

Таассурот

"ЧЕВАТИНИНГ МАЗАСИ ОҒЗИМДА ҚОЛДИ"

Мисрга саёҳат қилишни, тўғриси, мен бир оддий по-чталон, бундан олдинроқ ха-ёлимга ҳам келтирмаган эдим. Бундай имкониятга эри-шишга қизиқувчанлигим, га-зеталарни мунтазам равишда ўқи боришим сабаб бўлди деб айта олам. Ёдингизда бўлса, 2000 йилнинг май-июнь ойларига Миср Араб Республикасининг Ўзбекистон-даги элчихонаси матбуот шўъбаси мамлакатимиздаги 12 та газета ва телевидение ҳамкорлигида "Миср — 8 минг йиллик маданият беши-ги" номли танлов ўтказган эди. Миср маданиятига оид мақолалар ҳамда викторина саволлари "Хуррият" газе-тида эълон қилинган эди. Танловга минглаб газетхо-нлар иштирок этишди. Шун-дан 6 киши голиб деб топи-либ, Миср Араб Республика-сига бепул йўлланма билан мўқофтландилар. Хуллас, мен ҳам 6 голибнинг бири сифатида Мисрда йўлжиза-кор юртга сафар қилиш бах-тига муюссар бўлдим...

Мисрда бизни сайёҳлик ва туризм компанияси вакилла-ри илик кўтиб олишди. Нил дарёси оролидаги "Фламен-го" меҳмонхонасига жойлаш-дик. Эртаси кўни соат 9ларга яқин бизнинг меҳмонхона олдига 23-24 ёшлардаги Эман Абдел Раҳмон исми аёл кўтиб олди. У киши бил-лан бирга юришлари залвор-ли, 40 ёшлар чамасидаги ўзи-ни инглиз ва рус тили бўй-ича мутахассис деб таништи-рган Мустафо Сайф Али ис-ми киши ҳам бизга ҳамроҳ бўлди. Сафар давомида Мус-тафо Сайф Али жаноблари Миср тарихи ва бугунги кўни ҳақида бизга жуда кўп маъ-лумотларни айтиб берди.

Нил дарёси ҳақида газе-тада ўқиган эдим. Ниҳоят, ду-недаги энг узун дарё деб таъ-риф бериладиган бу азим да-рени ҳам ўз кўзим билан кўрдим. Дарё Қоҳира шаҳри-ни иккига қоқатиб турар экан. Унинг кенглиги шаҳар ичида 600-900 метрни ташкил этар экан. Қоҳирадан 19 километр узорқидида жойлашган Физо шаҳрига ҳам бордик. Етти мўъжизанинг бири саналмиш Миср пирамидаларини то-моша қилишга ошқидик. Енига бориб кўрган, бундай сало-батли пирамидаларни инсон қўли билан яратганига гумон қиласиз, шунингиз келмай-ди. Энг улканлари Хеопс, Хефрен пирамидаларини экан. Хеопс эҳроми 230 квадрат метр жойни эгаллаган.

Жаноб Мустафо Сайф Али-нинг айтишича, дастлаб бу пирамидаларнинг баландли-ги 147 метр бўлган экан. Зил-зила оқибатида 9 метр кулаб тушган. Ҳайратланарлиси шунки, пирамидалар ҳар бири 2,5 тоннали 2 миллион 300



минг дона текисланган тош-дан қурилган. Хефрен пира-мидаси Хеопс пирамидасидан 40 йил кейин, эраимиздан ав-валги 4550 йилда қурилган экан. Бу пирамида 136 метр баландлиқдаги текис тоғ ус-тида қад ростлаган. Текислан-ган тош блоклар Нил дарё-сининг нариги қирғоғидаги Муқаддам тоғларидан кесиб келтирилгани кишини лол қолдиради. Хефрен пирами-даси ичига шимолдан 13-қатордан кирилади. IX асрда халифа Маъмун томонидан 6-қатордан яна бир тўйқун о-чилган, диаметри 115 сан-тиметр. Тўйқундан пастлиқка 107 та эиандан икки бўкилиб, қийинчилик билан тушиб ол-ган, йўлда тўхташни хаёлин-гизга ҳам келтирмаслигиниз керак. Сабаби, сайёҳлар жуда кўп. Тирбанд шариғатда тўй-нуқдан тушгач, баландлиги 1,75 метр, эни 1,10 метр йўлдан 35 метрга йўл юри-лагач, иккита мақбарасига чи-

қилади. Узунлиги 11 метр, эни 5 метр, баландлиги 6 метр. Бу хоналар тошли за-минни пичоқ билан кесган-дек текис қилиб қавлаб олин-ган. Ҳаво алмаштириш йўлга қўйилган бўлса ҳам, бу ерда нафас олиш қийин кечади. Пирамидаларни мириқиб томоша қилиб қайттишда Физо шаҳридаги ресторанди ок-ватландик. Ресторан ён томони-да очик майдонга қурилган ер тандирлар, унда нон ёпа-ётган аёллар эйтиборимизни тортиди. Икки аёл бир метрча баландлиқдаги бундан тандирларда хўрандалар учун пеш-пеш нон ёпиб бераётган эди. Мисрнинг биз бўлган барча ерларида кўпчиликдан хамир-дан нон ёпилмайди. Чамир-дан билан чекилмайди ҳам. Нон-лар бизниқига ўхшаш бўрси-доқ эмас. Урушдан кейинги қаҳатчилик даврларида қозонларга ёпиб қилинган юлқа-чеватининг ўзгинаси, какирмачак қилиб ҳам, мўъта-

дил юмшоқ қилиб ҳам тайёр-ланади. Ег қўшилганлиги, ха-мир тайёрлашдаги нозик жа-риёнлар тўғриси ширин, бе-жирим чеватили ёпилади. Тўхумдек хамир юлқа қилиб ёпилиб, доира шаклига кел-тирилади, сўнг ёпилади.

Қоҳира ва бошқа шаҳар-ларнинг кўпгина ресторанди-да арок ичилади.

Ресторанди бизни катта чанг мусика асосига ўхшаш товада пиширилган фарел бал-қилари ва денгиз қисқичба-қаси билан меҳмон қилиш-ди.

Мисрнинг пул бирлиги фунт деб аталади. Бўгүрт, масжид тасвирлари тушири-лган қумуш тангалар пиастр дейилар экан. 10 фунт 3 АҚШ долларига тенг. Фунт, дол-лар ва бошқа пуллар банкда, пул алмаштириш жойларида хужжат талаб қилинмасдан алмаштириб берилеради. Халқнинг қўлида пул қўлиги сабабини нарх-наво жуда қим-мет. 1 кило хурмо — 12-14 фунт, ўртача сифатга эга бўлган бананининг 1 килоси 14-15 фунт, яъни 3-5 дол-лар. Биздагига нисбатан 8-10 баравар қиммат. Ҳар би-римизнинг ресторанди бир махал оқватланганимиз 60 фунтга тушди...

Хуллас, сафардан олам-олам таассуротлар билан қай-тидик. Юрт кезишининг гаши бошқача бўлишига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Қанийди, ана шундай хайрли татбирилар яна тез-тез уюш-тирилган бўлади. Биз танловни уюштирган Мисрнинг Ўзбеки-стондаги элчихонаси матбуот шўъбасига, тахририятларга, жумладан, "Хуррият" газе-тига ўз миннатдорчилигимиз-ни билдирган ҳолда ишлари-га Аллоҳдан ривож тилаб қоламиз.

Мақкам МАМАДАЛИЕВ

Қайлар

ИНГЛИЗ ТИЛИ

(Инглиядда ёзилган шеърлар)

Инглиз тили, сен бунча бойсан,
Бунчалар қаттиққўл, бунчалар мақкам?!
Қадим қасрларнинг қазноқларида,
Қат-қат қулфланган сандиқлар ичра.
Ҳасис рицарларнинг олтинларидай,
Еки мен Лондонда метрода кўрган,
Оппоқ бўйинлари қордан ҳам оқроқ,
Чўзилса — қўл етмас гўзал леидаи,
Сақлган ўзининг беғоналардан.
Маъно гавҳарларинг — денгиз тубида,
Темаздаи улғувор, Уэльсдаи қадим,
Биг Бендаи жарангдор, Гайд Паркдаи кенг,
Стаунхенж тошидай оддио жумбоқ,
Шекспир тилисан шамширдай ўткир,
Диккенсдаи сертафсил, Байрондаи жўшқин,
Маргарет Тетчердаи зуқко ва ўқтам.
Қироллар жанг билан ола олган
Не-не китъларда ҳукмронсан сен,
Сен билан ошнодир Ҳинду Чин, Япон,
Вашингтондан то Кэл Тоунгача,
Сиднею Жакарта, Масков, Тошкент.
Яхши ният билан кириб келдинг сен,
Менинг юртимга ҳам: Велком — Мархабо!
Хелло деб дилини очди ўзбек ҳам,
Сен билан ўрганиб дунё илмини,
Инглизча шеър айтар беш ёш набирам,
Хурматинг, иззатинг — кўзга тўтиё.
Уз тилим муқаммал, худого шукр,
Ҳазрат Навоидан қолган ҳазинам.
Аммо сенинг билан дунёни таниб,
Олам сирларидан бўлай деб огоҳ,
Эй, Би, Силни оқдим — дилда ҳаяжон.
Мен сени севаман, эй инглиз тили,
Мен сендан кўрқаман, эй инглиз тили,
Мен сенга интиқман, эй инглиз тили,
Келсаң тилимга, эй инглиз тили,
Кирақол дилимга, эй инглиз тили!

"БАЙ-БАЙ..."

(Ҳазил)

Лондонда, нари борса,
Уч-тўрт кулик меҳмонман.
Кўчаларда хангу манг,
Тил билмасдан хайронман.
"Тенкю", "О кей",
"Эм-сори",
Шудир билган "запас"им.
Шунинг учун доимо
Юрибман мўлтираб жим.
Бир кўни автобусда
Бир жонон уфат қолди.
Кетворган оқратжон,
Ақлу хушимни олди.
(Шоир халқи шунақа —
Дарров ошқ бўлади,
Буни шеърга солмаси,
Уша кўни ўлади).
Мен ҳам уша жонондан,
Узоқламай кўзимни.
Гўё у Лайли бўлди,

Мужнун сездим ўзимни.
Аммо лабимни жуфтлаб,
Бир сўз айтам қанийди?!
Кўнгл эса кўймавсан,
Бирин нарса де, дейди.
Сўз қургур топилади,
Ҳақат унда ниғомим.
Етиб бордим дейман,
Худого ўли оҳим?!
Уша жонон қайрилиб,
Табассум ҳада этди.
Кейин "бай-бай" деди-ю,
Шошилиб тушиб кетди.
Биронга сўз келмади,
Тил билмас бу тилимга.
"Бай-бай" деганча қолдим,
Афсус билан дилимда...

Мухтор ХУДОЙКУЛОВ

Табуат

ЭНГ, ЭНГ, ЭНГ...

Ер шаридаги энг йирик сут эмизувчи қўк китлар-дир. Ургочи китнинг узунлиги 33 метрга етади, вази эса кўп эмас, "атиги" 190 тонна (Янги тўғилган бо-ласининг узунлиги етти-саккиз метр бўлиб, 3 тон-на тош босади). Янада тушунарлироқ бўлиши учун фараз қиламиз: тарозининг бир палласида ўттиз бешта Африка фили кўйилганидагина китнинг огир-лиги билан тенглашиши мумкин.

Филлар ер юзидаги энг катта сут эмизувчи ҳайво-лар саналади. Уларнинг ўртача вази 5-6 тонна. Аммо 1974 йилда 12 тоннали фил овланганлиги манбаларда қайд этилган.

Энг кичкина сут эмизувчи сифатида Таиландда учрайдиган кўрнапалақлар эътифод этилади. Улар-нинг вази — икки грамм.

Тезлик бўйича йиртқич қуш — лочиннинг олдига ту-шадигани йўқ. Шунингизда унинг тезлиги соатига 350 километрга етади.

Эркин учишда энг юкори тезликка ага бўлган қуш — Осиё жарқалдирғочидир. У соатига 170 километр тезликда парвоз қилади.

Унча узоқ бўлмаган масофаларда энг тез югурадиган ҳайвон гепард бўлиб, унинг тезлиги соатига 100-120 километрни ташкил этади.

Mustaqil gazeta
HURRIYAT

Мўъассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воси-таларини демократлаштириш во кўлаб-қувватлаш жамғормаси

Бош муҳаррир Хуррид ДўСТМУҲАММАД

Тахрир хайъати: Азамат ЗИЁ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Номин КАРИМОВ, Абдуқоҳор ИБРОХИМОВ, Роҳмон ҚУЧҚОР, Норали ОЧИЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Амирқўл КАРИМОВ, Абдуқоном ИҮЛДОШЕВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатда олинган. Бичими А-2.

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

Индекс:
Яққа обуначилар учун — 233 Тошкент учун — 234
"Шарқ" нашрият-матбаа акциядорлик концерни басмахо-насида босилди. Манзил: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Зокиржон АЛИБЕКОВ

Тошкент вақти — 21.00
Тошкентриқди — 18.00
Буюртма — Г-1042

Муаллиф фикри тахририят нуктаи назаридан фарқлан-иши мумкин. Тахририятга юборилган мақуб ва мақола-ларга эъза жавоб қайтарилмайди.

Нуртат компьютер мактабда тартиқ ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Ш. БАЙРАҚЧИЕВ

